

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Миллий университети
ректори Ш.Сирожиддинов

« ____ » _____ 2016 й.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун ташкил этилган ишонч телефон алоқасининг махсус линияси» транзакцион хизматининг регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1 Хизмат номланиши

Қисқа номи: « Ишонч телефони »

Кенгайтирилган номи: Ўзбекистон Миллий университети расмий сайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун ташкил этилган ишонч телефони алоқасининг махсус линияси »

1.2 Хизмат натижаси

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ишонч телефони орқали мурожаатларига жавоб хатларини тақдим этиш.

1.3 Хизмат кўрсатувчи органлар

Ўзбекистон Миллий университети

1.4 Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси « Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида» ги 2014 йил 3 декабрдаги 378-сон Қонуни

1.5 Хизматни фойдаланувчилар

Ўзбекистон Миллий университети расмий сайти ёки Ягона порталда рўйхатдан ўтган ички меҳнат тартибда белгиланган жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши мумкин.

1.6 Ариза бериш муддатлари

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ишонч телефони орқали мурожаатларини тақдим этиш муддатлари белгиланмаган.

1.7 Бажарилиш муддати

Жавоб бериш: 15 иш куни, айрим ҳолларда 30 иш куни.

2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсга қуйидаги ахборот берилиши лозим:

- Хизмат регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиш усуллари
- Қонун талаблари

2.2. Батафсил маълумот олиш

« Жисмоний ва юридик шахсларнинг ишонч телефони орқали мурожаатлари » хизмати тўғрисида ахборот бериш Ўзбекистон Миллий университети расмий сайти www.edu.uz ҳамда Ягона портал www.my.gov.uz сайтлари орқали амалга оширилади.

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш

Ушбу хизмат, Ўзбекистон Миллий университети расмий сайти ёки Ягона портали орқали мурожаат этилганда махсус шакл тўлдирилганидан кейин электрон кўринишда кўрсатилади.

2.4. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй

- Мўлжал: Тошкент Давлат техника университети
- Транспортлар: 28, 31, 34, 87, 90-автобуслар метронинг Беруний бекати

2.5. Фойдаланиладиган бланкалар

Ҳеч қандай ҳужжат талаб этилмайди.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба-жума кунлари 9:00-13:00 гача ва 14:00-17:00 гача (шанба куни 9:00-13:00 ва 14:00-15:00 гача)

3.2 Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

15 иш куни

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1 Зарур бўлган ҳужжатлар.

Талаб этилмайди.

4.2. Хизмат тўлови:

Бепул

4.3. Ўзбекистон Миллий университетининг расмий сайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатиш босқичлари.

Ўзбекистон Миллий университетининг ишонч телефони орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. Жисмоний ёки юридик шахснинг ФИШ, лавозими, яшаш жойи(жойлашган ери), почта манзили, телефон рақами тўғрисидаги маълумотларни ҳамда мурожаатнинг моҳияти ва мазмунини масъул ходимга баён қилиши шарт.
2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати “Ишонч телефони” орқали тушадиган мурожаатларни рўйхатга олиш дафтарида масъул ходим томонидан рўйхатдан ўтказилади.
3. Қабул қилинган мурожаат белгиланган тартибда расмийлаштирилади ҳамда раҳбар резолюцияси асосида кўриб чиқиш учун тегишли проректорлар, бўлим бошлиқларига, факультет деканларига, масъул ходимларга етказилади.
4. Жисмоний ва юридик шахс томонидан ахборот ва маълумотлар тақдим этилмаган ёки уларнинг тақдим этилмаслиги сабаби асосиз бўлган тақдирда мурожаатлар рўйхатдан ўтказилмайди ва кўриб чиқилмайди.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишининг ички идоравий жараёни

Мурожаат рўйхатга олингандан сўнг масъул ходим(ходимлар, ишчи гуруҳ ёки комиссия аъзолари) 15 иш куни давомида мурожаатни ички меҳнат тартиб қодаларда белгиланган тартиблар асосида кўриб чиқади ва жавоб хатини мурожаат этувчига юборади.

Масъул ходимлар томонидан аризага рад жавоби берилса, асослари мурожаат этувчига юборилади.

4.5. Рад этиш сабаблари

Мурожаатни кўриб чиқиш, агар у илгари бир неча бор тушган бўлиб, асосиз қонунга хилоф хусусиятда бўлса ёки мазкур мурожаат бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, бу тўғрисида фуқарога мурожаатнинг рад этилиши қонунчилик доирасида асослантирилган ҳолда ёзма равишда маълум қилинади.

«КИРИТИЛДИ»

Девонхона мудир

_____ **Ф.Самиева**

« ____ » _____ **2016 йил**

«КЕЛИШИЛДИ»

Ахборот технологиялар маркази
бошлиғи

_____ **М.Ў.Худойберганов**

« ____ » _____ **2016 йил**